O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI

QIZILTEPA TUMANI HOKIMINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
НАВОИЙСКАЯ ОБЛАСТ

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА КЫЗЫЛТЕПИНСКОГО РАЙОНА

Manzilgoh: 210400, Qiziltepa tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 43-uy tel.: 555-31-75

"19" 01 2018 y (г).

№ К-1/85

Қизилтепа туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 345-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўйхат раками 2452, 2013 йил 25 апрель), (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 17-сон, 229-модда) мувофиқ, тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш максадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан карор киламан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманда 2018 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устохоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиклансин.

2. "Давтехназорат" инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспектори (Ш.Ахмедов)га:

техникага мулк хукуки асосида эга шахслар (мулкдор)га техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юбориш;

юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма бериш;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани кайта техник кўрикдан ўтказмаган тақдирда ҳамда кишлок хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналардан эхтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, хисобдан чикариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни конун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш учун туман хокимлигига юбориш;

техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги "Қишлок хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат килиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 345-сон карори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлок ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдикланган "Қишлок хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган микдорларга катъий риоя қилиш топширилсин.

3. Мазкур карор "Қизилтепа тонги" газетасида расман эълон килинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Қарорнинг бажарилишини назорат килиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Алиев зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур карор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Ш.Ш.Набиев**